



2013 у.р. “6” ноябр

№ 1177-к Самарқанд т-р Самарқанд

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини М-37
“Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” йўли ёқасида
фуқаро Мансуров Шерзодга савдо дўкони қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўзбеккенти” маҳалласида яшовчи фуқаро Мансуров Шерзод туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, Самарқанд тумани “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 “Самарқанд- Бухоро-Туркманбоши” автомагистралининг ёқасида бузилишга тушган савдо дўкони ўрнига савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаёолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўзбеккенти” маҳалласида яшовчи фуқаро Мансуров Шерзодга “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 “Самарқанд- Бухоро-Туркманбоши” автомагистралининг ёқасида дала ҳовлилар ҳисобидан савдо дўкони қуриш учун 100 м.кв. ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мансуров Шерзодга савдо дўконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев